**Устав АО СК «ALSKOM» (новая редакция)**

| НОВАЯ РЕДАКЦИЯ НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ | ЯНГИ ТАХРИР УЗБЕК ТИЛИДА |
|---|---|
| Статья 1. Юридический статус Компании, её фирменное наименование, местонахождение и адрес электронной почты | 1 - модда. Компаниянинг юридик мақоми, фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили |
| 1.1. Полное фирменное наименование Компании на государственном языке:<br><br>«ALSKOM» Sug`urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati;<br>Краткое фирменное наименование Компании на государственном языке:<br>«ALSKOM» SK AJ;<br>Полное фирменное наименование Компании на русском языке:<br>Акционерное Общество Страховая Компания «ALSKOM»;<br>Краткое фирменное наименование Компании на русском языке:<br>АО СК «ALSKOM»;<br>Полное фирменное наименование Компании на английском языке:<br>Joint-Stock Insurance Company «ALSKOM»;<br>Краткое фирменное наименование Компании на английском языке:<br>JS IC «ALSKOM».<br><br>1.2. Местонохождение и почтовый адрес Акционерного Общества Страховой Компании «ALSKOM» далее по тексту «Компания»: Республика Узбекистан, 100202, город Ташкент, Юнусабадский район, улица Амира Темура, дом 109.<br><br>Адрес электронной почты Компании: info@alskom.uz.<br>Веб-сайт Компании: www.alskom.uz<br><br>1.3. Компания была создана на основании учредительного договора от 12 августа 1996 года и зарегистрировано в государственном реестре 24 сентября 1996 года за №823.<br><br>1.4. Компания является юридическим лицом и имеет в собственности обособленное имущество, в том числе имущество, переданное ему в уставный фонд (уставный капитал), учитываемое на его самостоятельном балансе, может от своего имени приобретать и осуществлять имущественные и личные неимущественные права, нести обязанности, быть истцом и ответчиком в суде.<br><br>1.5. Компания приобретает статус юридического лица с момента его государственной регистрации.<br><br>1.6. Компания создается на неограниченный срок.<br><br>1.7. Компания вправе открывать банковские счета на территории Республики Узбекистан и за ее пределами.<br><br>1.8. Компания должно иметь круглую печать, содержащую его полное фирменное наименование на государственном языке и указание места его нахождения. В печати может быть одновременно указано фирменное наименование Компании на любом другом | 1.1. Компаниянинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:<br><br>«ALSKOM» Sug`urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyati;<br>Компаниянинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:<br>«ALSKOM» SK AJ;<br>Компаниянинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:<br>Акционерное Общество Страховая Компания «ALSKOM»;<br>Компаниянинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:<br>АО СК «ALSKOM»;<br>Компаниянинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:<br>Joint-Stock Insurance Company «ALSKOM»;<br>Компаниянинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:<br>JS IC «ALSKOM».<br><br>1.2. Бундан буён матнда «Компания» деб аталувчи «ALSKOM» Sug`urta Kompaniyasi Aksiyadorlik Jamiyatiнинг жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100202, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 уй.<br>Компаниянинг электрон почта манзили: info@alskom.uz.<br>Компаниянинг веб-сайти: www.alskom.uz.<br><br>1.3. Компания 1996 йил 12 августдаги таъсис шартномаси асосида ташкил этилган бўлиб, 1996 йил 24 сентябрда 823-рақам билан давлат реестрида рўйхатдан ўтган.<br><br>1.4. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.<br><br>1.5. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.<br><br>1.6. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.<br><br>1.7. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир.<br><br>1.8. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида Компаниянинг фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. |

| | |
|---|---|
| языке. | |
| 1.9. Компания вправе иметь штампы и бланки со своим наименованием, собственную эмблему, а также зарегистрированные в установленном порядке товарный знак и другие средства индивидуализации участников гражданского оборота, товаров, работ и услуг. | 1.9. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли. |
| 1.10. Место нахождения Компании определяется местом его государственной регистрации. | 1.10. Компаниянинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади. |
| 1.11. Компания обеспечивает равное отношение ко всем акционерам, независимо от принадлежащих им долей, уровня доходов, пола, расы, религии, национальности, языка, социального происхождения, личного и общественного положения. | 1.11. Компания барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, доромадлар даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди. |
| 1.12. Миноритарный акционер Компании не должен препятствовать деятельности органов управления Компании путем необоснованного истребования документов и использования конфиденциальной информации, коммерческой тайны. | 1.12. Компаниянинг миноритар акциядори асосиз равишда хужжатларни талаб қилиб олиш ва махфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Компания бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас. |
| Статья 2. Предмет (основные направления) и цели деятельности Компании | 2 - модда. Компания фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади |
| 2.1. Предметом основной деятельности Компании является оказание страховых услуг. | 2.1. Компаниянинг асосий фаолияти соҳаси суғурта хизматларини кўрсатишдан иборат. |
| 2.2. Цели Компании:<br>1) разработка и внедрение на территории Республики Узбекистан страховых продуктов и программ;<br>2) участие в крупных страховых проектах;<br>3) осуществление перестрахования;<br>4) удовлетворение потребностей юридических и физических лиц в страховых услугах;<br>5) сотрудничество в сфере страхования с хозяйствующими субъектами. | 2.2. Қуйидагилар Компаниянинг мақсадларидир:<br>1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта маҳсулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;<br>2) йирик суғурта лойиҳаларида иштирок этиш;<br>3) қайта суғурталашни амалга ошириш;<br>4) юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;<br>5) хўжалик юритувчи шахслар билан суғурта соҳасида ҳамкорлик қилиш. |
| 2.3. Основные направления деятельности Компании:<br>1) оказание услуг в обязательной и добровольной форме по следующим классам отрасли общего страхования классификатора страховой деятельности:<br>а) страхование от несчастных случаев;<br>б) страхование на случай болезни;<br>в) страхование наземных транспортных средств;<br>г) страхование железнодорожного подвижного состава;<br>д) авиационное страхование;<br>е) морское страхование;<br>ж) страхование имущества, находящегося в пути;<br>з) страхование имущества от огня и стихийных бедствий;<br>и) страхование имущества от ущерба;<br>к) страхование автогражданской ответственности;<br>л) страхование ответственности в рамках авиационного страхования;<br>м) страхование ответственности в рамках морского страхования;<br>н) страхование общей гражданской ответственности;<br>о) страхование кредитов;<br>п) страхование поручительства (гарантий);<br>р) страхование прочих финансовых рисков;<br>с) страхование расходов, связанных с правовой защитой;<br>2) разработка и внедрение новых видов страхования; | 2.3. Компания фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:<br>1) суғурта фаолияти классификатори умумий суғурта тармоғининг қуйидаги класслари бўйича мажбурий ва ихтиёрий шаклда хизмат кўрсатиш:<br>а) бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;<br>б) касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;<br>в) ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;<br>г) ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш;<br>д) авиация суғуртаси;<br>е) денгиз суғуртаси;<br>ж) йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;<br>з) мол-мулкни олов ва табиий офатлардан суғурта қилиш;<br>и) мол-мулкни зарардан суғурта қилиш;<br>к) автофуқаролик жавобгарликни суғурта қилиш;<br>л) авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;<br>м) денгиз суғурта доирасида жавобгарликни суғурта қилиш;<br>н) умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;<br>о) кредитларни суғурта қилиш;<br>п) кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш;<br>р) бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта |

| | |
|---|---|
| 3) осуществление перестрахования в сотрудничестве с национальными и иностранными страховыми организациями;<br>4) оказание консалтинговых и других видов консультативных услуг по страхованию;<br>5) оказание посреднических услуг в качестве страхового агента;<br>6) осуществление инвестиционной деятельности в рамках законодательства Республики Узбекистан;<br>7) осуществление внешнеэкономической деятельности, в том числе по направлению страхования;<br>8) использование интеллектуальной собственности, научно-технических достижений и изобретений в страховых отношениях;<br>9) проведение профилактических работ на страхуемых объектах;<br>10) составление научных и квалификационных программ, организация научно-публицистических семинаров и конференций;<br>11) сотрудничество с профессиональными участниками страхового рынка;<br>12) переподготовка и повышение квалификации кадров, а также подготовка специалистов в учебных заведениях для нужд Компании;<br>13) осуществление других направлений деятельности, не запрещенных законодательством.<br>Виды деятельности, требующие специального разрешения (лицензирования), осуществляются после получения специального разрешения (лицензии). | қилиш;<br>с) ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш;<br>2) суғуртанинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;<br>3) Миллий ва чет эл суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда қайта суғурта фаолиятини амалга ошириш;<br>4) суғурта бўйича консалтинг ва бошқа тур маслаҳат хизматларини кўрсатиш;<br>5) суғурта агенти сифатида воситачилик хизматларини кўрсатиш;<br>6) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги доирасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш;<br>7) ташқи иқтисодий фаолиятни, шу жумладан суғурта йўналиши бўйича амалга ошириш;<br>8) суғурта муносабатларида интеллектуал мулк, фан-техника ютуқлари ва ихтиролардан фойдаланиш;<br>9) суғурта килинаётган объектларда профилактика ишларини ўтказиш;<br>10) илмий ва малака дастурларини тузиш, илмий-публицистик семинарлар, конференцияларни ташкил этиш;<br>11) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш;<br>12) Компания эҳтиёжлари учун кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш;<br>13) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.<br>Фаолиятнинг махсус рухсат олишни (лицензиялашни) талаб қиладиган турлари махсус рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади. |
| Статья 3. Размер уставного фонда (уставного капитала) Компании | 3 - модда. Компания устав фондининг (устав капиталининг) миқдори |
| 3.1. Уставный фонд (уставный капитал) Компании составляется из номинальной стоимости акций Компании, приобретенных акционерами. Номинальная стоимость всех выпускаемых Компанией акций должна быть одинаковой.<br><br>3.2. Уставный фонд (уставный капитал) Компании определяет минимальный размер имущества Компании, гарантирующего интересы его кредиторов.<br><br>3.3. Компания обязана размещать простые акции, а также вправе размещать привилегированные акции.<br><br>3.4. Не менее девяноста процентов уставного фонда (уставного капитала) Компании формируется в денежных средствах.<br><br>3.5. Размер уставного фонда (уставного капитала) Компании составляет 10 677 554 040 (десять миллиардов шестьсот семьдесят семь миллионов пятьсот пятьдесят четыре тысячи сорок) сум, что эквиваленто 4 629 487,86 (четыре миллиона шестьсот двадцать девять тысяч четыреста восемьдесят семь евро 86 евроцентов) евро по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на дату внесения акционерами доли и разделен на 7 682 358 (семь миллионов шестьсот восемьдесят две тысячи триста пятьдесят восемь) штук простых именных и 55 000 (пятьдесят пять тысяч) штук | 3.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Компания томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.<br><br>3.2. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) Компания мол-мулкининг Компания кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.<br><br>3.3. Компания оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.<br><br>3.4. Компания устав фондининг (устав капиталининг) камида тўқсон фоизи пул маблағларида шакллантирилади.<br><br>3.5. Компания устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 10 677 554 040 (ўн миллиард олти юз етмиш етти миллион беш юз эллик тўрт минг қирқ) сўмни, яъни хар бир акциядор томонидан улушни киритиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 4 629 487,86 (тўрт миллион олти юз йигирма тўққиз минг тўрт юз саксон етти евро 86 евроцент) еврога эквивалент суммани ташкил қилади ва номинал қиймати 1 380 (бир минг уч юз саксон) сўм бўлган 7 682 358 (етти миллион олти юз саксон икки минг уч |

| | |
|---|---|
| привилегированных именных акций номинальной стоимостью 1 380 (одна тысяча триста восемьдесят) сум. | юз эллик саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 55 000 (эллик беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат. |
| Статья 4. Количество, номинальная стоимость, типы акций Компании | 4-модда. Компания акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари |
| 4.1. Компанией выпущены и размещены 7 682 358 (семь миллионов шестьсот восемьдесят две тысячи триста пятьдесят восемь) штук простых именных и 55 000 (пятьдесят пять тысяч) штук привилегированных именных акций.<br><br>4.2. Размер объявленных акций Компании, которые Компания вправе размещать дополнительно к размещенным акциям составляет 3 941 000 штук простых именных акций, 1 009 000 штук привилегированных именных акций (не конвертируемые) и 2 000 000 штук привилегированных именных акций, конвертируемых в простые именные акции.<br><br>4.3. Номинальная стоимость акций Компании составляет 1 380 (одна тысяча триста восемьдесят) сум.<br><br>4.4. Суммарная номинальная стоимость привилегированных акций, конвертируемых в простые акции (включая стоимость неконвертируемых привилегированных акций), не должна превышать 20 процентов от уставного фонда (уставного капитала) Компании.<br><br>4.5. Срок конвертации привилегированных акций в простые акции определяется в решении о выпуске и не может быть менее 2 лет с момента выпуска конвертируемых привилегированных акций.<br><br>4.6. Владелец привилегированной акции, конвертируемой в простые акции обладает количеством голосов, не превышающем количества голосов по простым акциям, в которые может быть конвертирована принадлежащая ему привилегированная акция.<br><br>4.7. Владелец конвертируемой привилегированной акции имеет все права, предусмотренные действующим законодательством для владельца обычной привилегированной акции. | 4.1. Компания томонидан 7 682 358 (етти миллион олти юз саксон икки минг уч юз эллик саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 55 000 (эллик беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.<br><br>4.2. Компания жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 3 941 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий, 1 009 000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли (айирбошланмайдиган) ва 2 000 000 дона оддий эгаси ёзилган акцияларга айирбошланадиган эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.<br><br>4.3. Компания акцияларининг номинал қиймати 1 380 (бир минг уч юз саксон) сўм.<br><br>4.4. Оддий акцияларга айирбошланиши мумкин бўлган имтиёзли акциялар номинал қийматининг жами (шу жумладан айирбошланмайдиган имтиёзли акциялар қиймати) Компания устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.<br><br>4.5. Имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлаш муддати чиқарилув қарорида белгиланади ва айирбошланадиган имтиёзли акцияларни чиқариш вақтидан икки йилдан кам бўлиши мумкин эмас.<br><br>4.6. Оддий акцияларга айирбошланиши мумкин бўлган имтиёзли акциянинг эгаси ўзига тегишли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган оддий акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдордаги овозларга эга бўлади.<br><br>4.7. Айирбошланадиган имтиёзли акция эгаси одатдаги имтиёзли акция эгасининг амалдаги қонунчиликда назарда тутилган барча ҳуқуқларига эга. |
| Статья 5. Порядок увеличения и уменьшения уставного фонда (уставного капитала) Компании | 5 - модда. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш |
| 5.1. Уставный фонд (уставный капитал) Компании может быть увеличен путем размещения дополнительных акций.<br><br>5.2. Решения об увеличении уставного фонда (уставного капитала) Компании и о внесении соответствующих изменений в устав Компании принимаются наблюдательным советом Компании единогласно.<br><br>5.3. Дополнительные акции могут быть размещены Компанией только в пределах количества объявленных акций, установленного настоящим уставом.<br><br>5.4. Решением об увеличении уставного фонда (уставного капитала) Компании должны быть определены количество размещаемых дополнительных | 5.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.<br><br>5.2. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва Компания уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорлар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.<br><br>5.3. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.<br><br>5.4. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва |

| | |
|---|---|
| простых акций и привилегированных акций, сроки и условия их размещения. | имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак. |
| 5.5. Увеличение уставного фонда (уставного капитала) Компании регистрируется в размере номинальной стоимости размещенных дополнительных акций. При этом количество объявленных акций определенных типов, указанное в настоящем уставе, должно быть уменьшено на число размещенных дополнительных акций этих типов. | 5.5. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак. |
| 5.6. Решением об увеличении уставного фонда (уставного капитала) Компании является решение о выпуске дополнительных акций, принятое соответствующим органом управления Компании. | 5.6. Компаниянинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир. |
| 5.7. Увеличение уставного фонда (уставного капитала) Компании может осуществляться за счет привлеченных инвестиций, собственного капитала Компании и начисленных дивидендов в порядке, установленном законодательством. | 5.7. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. |
| 5.8. При увеличении уставного фонда (уставного капитала) Компании за счет его собственного капитала дополнительные акции распределяются среди всех акционеров. При этом каждому акционеру распределяются акции того же типа, что и акции, которые ему принадлежат, пропорционально количеству принадлежащих ему акций. Не допускается увеличение уставного фонда (уставного капитала) Компании, в результате которого не обеспечивается соответствие суммы увеличения к номинальной стоимости одной акции. | 5.8. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди. |
| 5.9. При принятии решения о размещении акций, в том числе среди акционеров, цена размещения (выставления на биржевой и организованный внебиржевой рынок ценных бумаг) акций устанавливается наблюдательным советом Компании исходя из конъюнктуры цен, складывающихся на площадках организаторов торгов ценными бумагами. | 5.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Компания кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. |
| 5.10. Компания вправе проводить размещение акций и ценных бумаг, конвертируемых в акции, посредством открытой и закрытой подписки. | 5.10. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли. |
| 5.11. При размещении Компанией акций и эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых в акции, оплачиваемых денежными средствами, акционеры — владельцы голосующих акций имеют преимущественное право на их приобретение. Акционер, в том числе голосовавший против либо отсутствовавший на общем собрании акционеров, имеет преимущественное право приобретения акций и эмиссионных ценных бумаг, конвертируемых в акции, в количестве, пропорциональном количеству принадлежащих ему акций этого типа. | 5.11. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. |
| 5.12. При размещении акций и иных ценных бумаг | 5.12. Компаниянинг акцияларини ва бошқа |

| | |
|---|---|
| Компании их оплата осуществляется денежными и другими средствами платежа, имуществом, а также правами (в том числе имущественными), имеющими денежную оценку. Порядок оплаты дополнительных акций и иных ценных бумаг Компании определяется решением об их выпуске. | қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Компанияни қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади. |
| 5.13. Дополнительные акции Компании должны быть оплачены в течение срока размещения, указанного в решении о выпуске этих акций. | 5.13. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим. |
| 5.14. Если номинальная стоимость оплачиваемых не денежными средствами акций и иных ценных бумаг Компании составляет более двухсоткратного размера установленной законодательством минимальной заработной платы, то необходима денежная оценка оценочной организацией имущества, вносимого в оплату акций и иных ценных бумаг Компании. | 5.14. Агар Компаниянинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур. |
| 5.15. Уставный фонд (уставный капитал) Компании может быть уменьшен путем уменьшения номинальной стоимости акций или сокращения их общего количества, в том числе путем приобретения части акций Компанией с последующим их аннулированием. | 5.15. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. |
| 5.16. Компания не вправе уменьшать уставный фонд (уставный капитал), если в результате этого его размер станет меньше установленного статьей 17 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» минимального размера уставного фонда (уставного капитала) Компании, определяемого на дату государственной регистрации соответствующих изменений в уставе Компании. | 5.16. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Компания устав фондининг (устав капиталининг) Компания уставидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас. |
| 5.17. Решения об уменьшении уставного фонда (уставного капитала) Компании и о внесении соответствующих изменений в устав Компании принимаются общим собранием акционеров. | 5.17. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. |
| 5.18. Принимая решение об уменьшении уставного фонда (уставного капитала) Компании, общее собрание акционеров указывает причины уменьшения уставного фонда (уставного капитала) и устанавливает порядок его уменьшения. | 5.18. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди. |
| 5.19. Не позднее тридцати дней с даты принятия решения об уменьшении уставного фонда (уставного капитала), Компания в письменной форме уведомляет об этом своих кредиторов. Кредиторы вправе не позднее тридцати дней с даты направления им уведомления об уменьшении уставного фонда (уставного капитала) Компании потребовать от Компании досрочного исполнения его обязательств и возмещения связанных с этим убытков. | 5.19. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб |

| | |
|---|---|
| | қилишга ҳақли. |
| Статья 6. Корпоративные облигации и иные ценные бумаги Компании | 6-модда. Компаниянинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари |
| 6.1. Компания вправе выпускать и размещать корпоративные облигации и иные ценные бумаги.<br><br>6.2. Ценными бумагами, конвертируемыми в акции Компании, могут быть корпоративные облигации Компании.<br><br>6.3. Компания вправе выпускать обеспеченные имуществом корпоративные облигации в пределах размера собственного капитала на дату принятия решения об их выпуске.<br><br>6.4. Выпуск Компанией корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции, осуществляется по решению наблюдательного совета Компании.<br><br>6.5. В случае выпуска Компанией корпоративных облигаций, конвертируемых в акции, по решению наблюдательного совета, данное решение должно быть принято единогласно всеми его членами. | 6.1. Компания корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.<br><br>6.2. Компаниянинг корпоратив облигациялари Компания акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.<br><br>6.3. Компания мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.<br><br>6.4. Компания томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Компания кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.<br><br>6.5. Компания томонидан Компания кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак. |
| Статья 7. Фонды Компании | 7-модда. Компаниянинг фондлари |
| 7.1. В Компании в обязательном порядке создается резервный и страховой фонды, а также фонд охраны труда, формируемые из чистой прибыли Компании.<br><br>7.2. В Компании создается резервный фонд в размере пятнадцати процентов от его уставного фонда (уставного капитала).<br><br>7.3. Резервный фонд Компании формируется путем обязательных ежегодных отчислений от чистой прибыли до достижения им размера, установленного настоящим уставом. Размер ежегодных отчислений не может быть менее пяти процентов от чистой прибыли до достижения размера, установленного настоящим уставом Компании.<br><br>7.4. Резервный фонд Компании предназначен для покрытия его убытков, погашения корпоративных облигаций Компании, выплаты дивидендов по привилегированным акциям и выкупа акций Компании в случае отсутствия иных средств.<br><br>7.5. Если разервный фонд Компании полностью или частично израсходован обязательные отчисления возобновляются.<br><br>7.6. Резервный фонд Компании не может быть использован для иных целей.<br><br>7.7. Страховой фонд устанавливается в размере 15 процентов от уставного фонда (уставного капитала) Компании. Его формирование осуществляется путем ежегодных отчислений не более 10% чистой прибыли Компании на основании рекомендации наблюдательного совета до достижения размера, установленного настоящим уставом. | 7.1. Компанияда мажбурий тарзда соф фойда ҳисобидан заҳира, суғурта фондлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш фонди ташкил этилади.<br><br>7.2. Компания устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этилади.<br><br>7.3. Компаниянинг заҳира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Компания уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.<br><br>7.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг заҳира фонди Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.<br><br>7.5. Агар Компаниянинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.<br><br>7.6. Компаниянинг заҳира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.<br><br>7.7. Суғурта фонди Компания устав фондининг (устав капиталининг) 15 фоизи миқдорида белгиланади. Уни шакллантириш ушбу устав билан белгиланган миқдорга етгунга қадар кузатув кенгашининг тавсияси асосида соф фойданинг 10 фоизидан ортмаган миқдорда ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади. |

| | |
|---|---|
| 7.8. Средства страхового фонда используются на возмещение крупных страховых выплат в соответствии с решением наблюдательного совета Компании. | 7.8. Суғурта фондининг маблағлари Компания кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ йирик суғурта қопламаларини тўлаш учун фойдаланилади. |
| 7.9. Фонд охраны труда устанавливатся в размере 1 процента от уставного фонда (уставного капитала) Компании. Его формирование осуществляется путем ежегодных отчислений не более 1,5 процентов чистой прибыли Компании, оставшейся после отчислений в резервный и страховой фонд на основании рекомендации наблюдательного совета до достижения размера, установленного настоящим уставом. | 7.9. Меҳнатни муҳофаза қилиш фонди Компания устав фондининг (устав капиталининг) 1 фоизи миқдорида белгиланади. Уни шакллантириш ушбу устав билан белгиланган миқдорга етгунга қадар Компания соф фойдасидан захира ва суғурта фондларига ажратмалар қилингандан сўнг кузатув кенгашининг тавсияси асосида қолган соф фойда суммасининг 1,5 фоизидан ортмаган миқдорда ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади. |
| 7.10. Средства фонда охраны труда направляются на улучшение условий труда сотрудников, их оздоровление, а также другие цели на основании положения Компании «О фонде охраны труда и порядке использования его средств». | 7.10. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондининг маблағлари ходимларни меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, уларни соғломлаштириш ҳамда Компаниянинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низоми асосида бошқа мақсадларга йўналтирилади. |
| 7.11. Компания вправе создавать иные фонды в порядке, установленном законодательством. | 7.11. Компания қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга. |
| Статья 8. Выплата дивидендов | 8-модда. Дивидендларни тўлаш |
| 8.1. Компания вправе по результатам первого квартала, полугодия, девяти месяцев финансового года и (или) по результатам финансового года принимать решения о выплате дивидендов по размещенным акциям Компании. | 8.1. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. |
| 8.2. Срок выплаты дивидендов не может быть позднее шестидесяти дней со дня принятия такого решения. | 8.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим. |
| 8.3. При выплате дивидендов в первую очередь выплачиваются дивиденды по привилегированным акциям, затем дивиденды по простым акциям. При наличии прибыли, достаточной для выплаты фиксированных дивидендов по привилегированным акциям, Компания не вправе отказать владельцам указанных акций в выплате дивидендов. В случае отказа Компании акционеры могут потребовать выплаты дивидендов в судебном порядке. Выплата Компанией дивидендов по привилегированным акциям в случае недостаточности прибыли или убыточности Компании возможна только за счет и в пределах резервного фонда Компании, созданного для этой цели. | 8.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Компания мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Компания рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Компания етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Компания томонидан Компаниянинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин. |
| 8.4. По привилегированным акциям Компании выплачиваются дивиденды в размере 70 (семьдесят) процентов от номинальной стоимости акций. | 8.4. Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича акциялар номинал қийматининг 70 (етмиш) фоизи миқдорида дивидендлар тўланади. |
| 8.5. Стоимость, выплачиваемая при ликвидации Компании (ликвидационная стоимость) по привилегированным акциям составляет 150 процентов к номинальной стоимости привилегированных акций. | 8.5. Компания тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 150 фоизини ташкил қилади. |
| 8.6. В случаях предусмотренных ст.37 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» приобретение Компанией привилегированных акций осуществляется по цене | 8.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 37 моддасида назарда тутилган холларда имтиёзли акцияларни |

| | |
|---|---|
| равной 150 процентам к номинальной стоимости привилегированных акций. | Компания томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 150 фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади. |
| Статья 9. Органы управления Компанией, порядок их формирования и полномочия этих органов | 9-модда. Компания бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари |
| 9.1. Органами управления Компании являются общее собрание акционеров, наблюдательный совет и исполнительный орган (генеральный директор).<br><br>9.2. Общее собрание акционеров является высшим органом управления Компании.<br><br>9.3. Общее собрание акционеров ведет председатель наблюдательного совета Компании, а в случае его отсутствия по уважительным причинам - один из членов наблюдательного совета Компании.<br><br>9.4. Компания обязана ежегодно проводить общее собрание акционеров (годовое общее собрание акционеров).<br><br>9.5. Годовое общее собрание акционеров проводится не позднее чем через шесть месяцев после окончания финансового года. Как правило, годовое общее собрание акционеров проводится в апрель-июнь месяцах. На годовом общем собрании акционеров решаются вопросы об избрании наблюдательного совета и ревизионной комиссии Компании, а также рассматриваются годовой отчет Компании, отчеты генерального директора и наблюдательного совета Компании о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Компании и иные документы в соответствии с законодательством и настоящим уставом.<br><br>9.6. Проводимые помимо годового общие собрания акционеров являются внеочередными.<br><br>9.7. Дата и порядок проведения общего собрания акционеров, порядок сообщения акционерам о его проведении, перечень предоставляемых акционерам материалов (информации) при подготовке к проведению общего собрания акционеров устанавливаются наблюдательным советом Компании.<br><br>9.8. К компетенции общего собрания акционеров относятся:<br>1) внесение изменений и дополнений в устав Компании или утверждение устава Компании в новой редакции, за исключением внесения решением наблюдательного совета изменений и дополнений в устав Компании, связанных с увеличением уставного фонда (уставного капитала) Компании и уменьшением количества объявленных акций Компании;<br>2) реорганизация Компании;<br>3) ликвидация Компании, назначение ликвидатора (ликвидационной комиссии) и утверждение промежуточного и окончательного ликвидационных балансов;<br>4) определение количественного состава наблюдательного совета Компании, избрание их членов и досрочное прекращение их полномочий, выплата вознаграждений и компенсаций членам | 9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бош директор) Компаниянинг бошқарув органларидир.<br><br>9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компанияниг юқори бошқарув органидир.<br><br>9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.<br><br>9.4. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.<br><br>9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши апрель-июнь ойларида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун хужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Компания бош директори ва кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.<br><br>9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.<br><br>9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.<br><br>9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>1) Компания уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, кузатув кенгаши қарори билан Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;<br>2) Компанияни қайта ташкил этиш;<br>3) Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;<br>4) Компания кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва |

наблюдательного совета, а также утверждение положения о наблюдательном совете;

5) определение предельного размера объявленных акций;

6) уменьшение уставного фонда (уставного капитала) Компании;

7) приобретение собственных акций;

8) утверждение организационной структуры Компании;

9) избрание членов ревизионной комиссии Компании и досрочное прекращение их полномочий, выплата вознаграждений и компенсаций членам ревизионной комиссии, а также утверждение положения о ревизионной комиссии;

10) утверждение годового отчета, а также стратегии развития Компании на среднесрочный и долгосрочный период с определением ее конкретных сроков исходя из основных направлений и цели деятельности Компании. В необходимых случаях внесение изменений и дополнений в утвержденные стратегии развития Компании;

11) распределение прибыли и убытков Компании;

12) заслушивание отчетов наблюдательного совета и заключений ревизионной комиссии Компании по вопросам, входящим в их компетенцию, в том числе по соблюдению установленных законодательством требований по управлению Компанией;

13) принятие решения о неприменении преимущественного права, предусмотренного статьей 35 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;

14) утверждение регламента общего собрания акционеров;

15) дробление и консолидация акций;

16) установление предельных размеров выплачиваемых генеральному директору Компании вознаграждений и (или) компенсаций;

17) принятие решения о совершении Компанией сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;

18) Регулярное заслушивание отчета генерального директора и наблюдательного совета о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Компании.

19) определение сделок, связанных с текущей хозяйственной деятельностью Компании для самостоятельного совершения генеральным директором сделок с аффилированными лицами и крупных сделок;

20) определение предельных размеров благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи;

21) принятие решения о проведении ежегодного анализа соответствия бизнес-процессов и проектов целям развития Компании с привлечением независимых профессиональных организаций – консультантов;

22) утверждение локальных (внутренних) документов Компании, в соответствии с требованиями законодательства и рекомендациями Кодекса корпоративного управления;

23) решение иных вопросов в соответствии с законодательством и настоящим уставом Компании.

компенсациялар тўлаш шунингдек кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9) Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10) Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур холларда Компаниянинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

11) Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12) Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

13) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

14) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

16) Компания бош директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) Компаниянинг ривожланиш стратегиясига эриши бўйича бош директор ва кузатув кенгашининг кўрилаётган чоралари тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш.

19) Бош директор томонидан аффилланган шахслар билан битимларни ва йирик битимларни мустақил тузиши учун Компаниянинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

20) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

21) мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган холда бизнес жараёнлар ва лойиҳалар Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) қонунчилик талаблари ва корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига мувофиқ Компаниянинг локал (ички) ҳужжатларини тасдиқлаш;

| | |
|---|---|
| | 23) Компания мазкур уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш. |
| 9.9. Вопросы, отнесенные к компетенции общего собрания акционеров, не могут быть переданы на решение генерального директора Компании. | 9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг бош директори ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас. |
| 9.10. Решения, принятые общим собранием акционеров, а также итоги голосования доводятся до сведения акционеров путем:<br>- их оглашения после окончания общего собрания акционеров;<br>- раскрытия информации в сообщении о существенном факте в течение двух рабочих дней с даты составления протокола общего собрания акционеров.<br>В случае нахождения акций общества в листинге фондовой биржи, Компании обязано также опубликовать на официальном веб-сайте фондовой биржи соответствующую информацию. | 9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:<br>- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;<br>- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида мухим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йўллари билан етказилади.<br>Агар Компания акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Компания фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт. |
| 9.11. Акционеры (акционер), являющиеся в совокупности владельцами не менее чем одного процента голосующих акций Компании, в срок не позднее 15 февраля после окончания финансового года Компании вправе внести вопросы в повестку дня годового общего собрания акционеров, предложения по распределению прибыли и выдвинуть кандидатов в наблюдательный совет и ревизионную комиссию Компании, число которых не может превышать количественного состава этого органа. | 9.11. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин 15 февралдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар, фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. |
| 9.12. Акционеры (акционер) вправе внести изменения в список выдвинутых ими кандидатов в наблюдательный совет и ревизионную комиссию Компании не позднее трех рабочих дней с даты опубликования сообщения о проведении годового общего собрания акционеров. | 9.12. Акциядорлар (акциядор) Компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли. |
| 9.13. Наблюдательный совет Компании осуществляет общее руководство деятельностью Компании. | 9.13. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. |
| 9.14. К компетенции наблюдательного совета Компании относится:<br>1) определение приоритетных направлений деятельности Компании с регулярным заслушиванием отчета генерального директора Компании о принимаемых мерах по достижению стратегии развития Компании;<br>2) созыв годовых и внеочередных общих собраний акционеров, за исключением случаев, предусмотренных частью одиннадцатой статьи 65 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;<br>3) подготовка повестки дня общего собрания акционеров;<br>4) определение даты, времени и места проведения общего собрания акционеров;<br>5) определение даты формирования реестра акционеров Компании для оповещения о проведении общего собрания акционеров;<br>6) внесение на решение общего собрания акционеров вопросов, предусмотренных абзацем вторым части первой статьи 59 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;<br>7) организация установления рыночной стоимости имущества; | 9.14. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:<br>1) Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания бош директорининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;<br>2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;<br>3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;<br>4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;<br>5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;<br>6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган |

8) назначение корпоративного консультанта и утверждение положения, определяющего порядок его деятельности;

9) утверждение годового бизнес-плана Компании;

10) создание службы внутреннего аудита, утверждение положения, определяющего порядок ее деятельности, назначение ее работников и оплата труда, а также ежеквартальное заслушивание ее отчетов;

11) доступ к любым документам, касающимся деятельности исполнительного органа Компании, и получение их от исполнительного органа для исполнения возложенных на наблюдательный совет Компании обязанностей. Полученные документы могут использоваться наблюдательным советом Компании и его членами исключительно в служебных целях;

12) принятие решения о проведении аудиторской проверки, об определении аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг;

13) дача рекомендаций по размерам выплачиваемых членам ревизионной комиссии Компании вознаграждений и компенсаций;

14) дача рекомендаций по размеру дивиденда, форме и порядку его выплаты;

15) использование резервного и иных фондов Компании;

16) создание филиалов и открытие представительств Компании, утверждение их положений, а также прекращение их деятельности;

17) создание дочерних и зависимых хозяйственных обществ и принятие решения об их реорганизации и ликвидации;

18) принятие решения о совершении сделок в случаях, предусмотренных главами 8 и 9 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;

19) заключение сделок, связанных с участием Компании в коммерческих и некоммерческих организациях, в порядке, установленном законодательством;

20) принятие решения о выкупе корпоративных облигаций Компании;

21) решение вопросов по увеличению уставного фонда (уставного капитала) Компании, а также вопросов о внесении изменений и дополнений в устав Компании, связанных с увеличением уставного фонда (уставного капитала) Компании и уменьшением количества объявленных акций Компании;

22) утверждение решения о выпуске ценных бумаг (акций, облигаций) и проспекта эмиссии;

23) внесение изменений и (или) дополнений в решение о выпуске ценных бумаг (акций, облигаций) и проспект эмиссии утверждение их текста;

24) определение цены размещения (выставления на биржевой и организованный внебиржевой рынок ценных бумаг) акций в соответствии со статьей 34 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»;

25) принятие решения о выпуске Компанией корпоративных облигаций, в том числе конвертируемых в акции;

26) принятие решения о выпуске производных ценных бумаг;

27) образование исполнительного органа Компании, избрание (назначение) генерального директора Компании, досрочное прекращение его полномочий;

28) установление размеров выплачиваемых

масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

9) Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

10) ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг фаолият тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш, унинг ходимларини тайинлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

11) Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

13) Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

15) Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

16) Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, ҳамда уларнинг фаолиятини бекор қилиш;

17) Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш ҳамда уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

19) Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

20) Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

22) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

23) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

24) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик

| | |
|---|---|
| генеральному директору Компании вознаграждений и компенсаций;<br>29) определение порядка и условий оказания (получения) благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи;<br>30) принятие решения об оказании благотворительной (спонсорской) или безвозмездной помощи в пределах, установленных общим собранием акционеров;<br>31) утверждение положения об информационной политике;<br>32) утверждение правил этического поведения работников Компании;<br>33) создание комитетов (рабочих групп) при наблюдательном совете и утверждение положений, определяющих порядок их деятельности;<br>34) утверждение порядка голосования от имени Компании его представителей в органах управления предприятий и организаций акциями и долями, которых владеет Компания;<br>35) координация работ по разработке, внедрению и регулярной оценке соответствия организационной структуры Компании требованиям законодательства;<br>36) принятие решений об определении независимой организации для проведения оценки системы корпоративного управления и утверждении предельного размера оплаты её услуг. | жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;<br>25) Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>26) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>27) Компаниянинг ижроия органини тузиш, жамият бош директорини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;<br>28) Компаниянинг бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;<br>29) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;<br>30) акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган миқдор доирасида, хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;<br>31) ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;<br>32) Компания ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;<br>33) кузатув кенгаши ҳузурида қўмиталар (ишчи гурухлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш.<br>34) акция ва улушларга Компания эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида Компания номидан унинг вакилларини овоз бериш тартибини тасдиқлаш.<br>35) Компаниянинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва уни қонунчилик талабларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;<br>36) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни белгилаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш. |
| 9.15. К компетенции наблюдательного совета Компании может быть отнесено решение и иных вопросов в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» и настоящим уставом. | 9.15. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин. |
| 9.16. Вопросы, отнесенные к компетенции наблюдательного совета Компании, не могут быть переданы на решение генерального директора Компании. | 9.16. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг бош директорига ўтказилиши мумкин эмас. |
| 9.17. Члены наблюдательного совета Компании избираются общим собранием акционеров сроком на один год. Количественный состав наблюдательного совета Компании состоит из 9 человек. | 9.17. Компания кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Компания кузатув кенгашнинг сон таркиби 9 кишидан иборат. |
| 9.18. Лица, избранные в состав наблюдательного совета Компании, могут переизбираться неограниченно. | 9.18. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. |
| 9.19. Генеральный директор Компании не может быть избран в наблюдательный совет Компании. | 9.19. Компания бош директори Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. |
| 9.20. Членами наблюдательного совета Компании не | 9.20. Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) |

| | |
|---|---|
| могут быть лица, работающие по трудовому договору (контракту) в Компании. | бўйича ишлаётган шахслар Компаниянинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас. |
| 9.21. Требования, предъявляемые к лицам, избираемым в состав наблюдательного совета Компании, могут устанавливаться уставом, положением о наблюдательном совете Компании или решением, утвержденным общим собранием акционеров.<br>Лица, избираемые членами наблюдательного совета общества по государственной доле, должны иметь квалификационный аттестат корпоративного управляющего, выданный Научно-образовательным центром корпоративного управления, за исключением случаев предусмотренных законодательством. | 9.21. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Компания уставида, кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.<br>Жамиятнинг давлат улуши бўйича кузатув кенгаши аъзолари сифатида сайланадиган шахслар Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестатига эга бўлиши лозим, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. |
| 9.22. Выборы членов наблюдательного совета Компании осуществляются кумулятивным голосованием. | 9.22. Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. |
| 9.23. При кумулятивном голосовании число голосов, принадлежащих каждому акционеру, умножается на число лиц, которые должны быть избраны в наблюдательный совет Компании, и акционер вправе отдать полученные таким образом голоса полностью за одного кандидата или распределить их между двумя и более кандидатами. | 9.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. |
| 9.24. Избранными в состав наблюдательного совета Компании считаются кандидаты, набравшие наибольшее число голосов. | 9.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади. |
| 9.25. Председатель наблюдательного совета Компании избирается членами наблюдательного совета из его состава большинством голосов от общего числа членов наблюдательного совета. | 9.25. Компания кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. |
| 9.26. Наблюдательный совет Компании вправе переизбрать своего председателя большинством голосов от общего числа членов наблюдательного совета. | 9.26. Компаниянинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли. |
| 9.27. Председатель наблюдательного совета Компании организует его работу, созывает заседания наблюдательного совета и председательствует на них, организует на заседаниях ведение протокола, председательствует на общем собрании акционеров. | 9.27. Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. |
| 9.28. В случае отсутствия председателя наблюдательного совета Компании его функции осуществляет один из членов наблюдательного совета. | 9.28. Компания кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади. |
| 9.29. Заседание наблюдательного совета Компании созывается председателем наблюдательного совета по его собственной инициативе, по требованию члена наблюдательного совета, ревизионной комиссии, а также Генерального директора и начальника службы внутреннего аудита Компании.<br>Акционеры (акционер), являющиеся в совокупности владельцами не менее чем одного процента голосующих акций Компании вправе требовать созыва заседания наблюдательного совета Компании. | 9.29. Компания кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзосининг, шунингдек Бош директори ва ички аудит ҳизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.<br>Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли. |
| 9.30. Заседание наблюдательного совета Компании созывается председателем наблюдательного совета не | 9.30. Компания кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир |

| | |
|---|---|
| менее одного раза в квартал. | марта чақирилади. |
| 9.31. Кворум для проведения заседания наблюдательного совета Компании должен быть не менее семидесяти пяти процентов от числа избранных членов наблюдательного совета Компании. | 9.31. Компания кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Компания кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. |
| 9.32. В случае, когда количество членов наблюдательного совета становится менее семидесяти пяти процентов количества, предусмотренного настоящим уставом, Компания обязана созвать внеочередное общее собрание акционеров для избрания нового состава наблюдательного совета Компании. Оставшиеся члены наблюдательного совета вправе принимать решение о созыве такого внеочередного общего собрания акционеров, а также в случае досрочного прекращения полномочий Генерального директора назначить временно исполняющего его обязанности. | 9.32. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Компания кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Бош директорнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир. |
| 9.33. Решения на заседании наблюдательного совета Компании принимаются большинством голосов присутствующих, если законодательством не предусмотрено иное. | 9.33. Компания кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. |
| 9.34. При решении вопросов на заседании наблюдательного совета Компании каждый член наблюдательного совета обладает одним голосом. | 9.34. Компания кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. |
| 9.35. Передача голоса одним членом наблюдательного совета Компании другому члену наблюдательного совета не допускается. | 9.35. Компания кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. |
| 9.36. Председатель наблюдательного совета Компании имеет право решающего голоса в случае равенства голосов членов наблюдательного совета. | 9.36. Компания кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга. |
| 9.37. На заседании наблюдательного совета Компании ведется протокол. Протокол заседания наблюдательного совета составляется не позднее десяти дней после его проведения. В протоколе заседания указываются:<br>- дата, время и место его проведения;<br>- лица, присутствующие на заседании;<br>- повестка дня заседания;<br>- вопросы, поставленные на голосование, итоги голосования по ним;<br>- принятые решения.<br>Протокол заседания наблюдательного совета Компании подписывается участвующими в заседании членами наблюдательного совета Компании, которые несут ответственность за правильность оформления протокола. | 9.37. Компания кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:<br>- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;<br>- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;<br>- мажлиснинг кун тартиби;<br>- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;<br>- қабул қилинган қарорлар.<br>Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. |
| 9.38. Решения наблюдательного совета Компании могут быть приняты заочным голосованием (опросным путем) всеми членами наблюдательного совета единогласно. | 9.38. Компания кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. |
| 9.39. Протокол заседания наблюдательного совета Компании передается для исполнения генеральному директору Компании в день его подписания. В случае принятия наблюдательным советом решения о созыве общего собрания акционеров информация о данном решении передается генеральному директору Компании в день проведения заседания наблюдательного совета. | 9.39. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг бош директорига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компаниянинг бош директорига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади. |

| | |
|---|---|
| 9.40. Руководство текущей деятельностью Компании осуществляется единоличным исполнительным органом (генеральным директором). | 9.40. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади. |
| 9.41. Генеральный директор Компании избирается (назначается) наблюдательным советом сроком на один год.<br>Решение о назначении Генерального директора Компании принимается, как правило, на основе конкурсного отбора, в котором могут принимать участие иностранные менеджеры. | 9.41. Компания Бош директори кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).<br>Компания Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. |
| 9.42. В случае досрочного прекращения полномочий Генерального директора Компании допускается временное исполнение его обязанностей лицом, определяемым решением наблюдательного совета Компании. | 9.42. Компания Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Компания кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади. |
| 9.43. К компетенции Генерального директора Компании относятся все вопросы руководства текущей деятельностью Компании, за исключением вопросов, отнесенных к компетенции общего собрания акционеров или наблюдательного совета. | 9.43. Компания Бош директорининг ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно. |
| 9.44. Генеральный директор Компании организует выполнение решений общего собрания акционеров и наблюдательного совета. | 9.44. Компаниянинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади. |
| 9.45. Полномочия (права) Генерального директора Компании:<br>1) действовать от имени Компании без доверенности;<br>2) представлять интересы Компании;<br>3) совершать сделки от имени Компании в пределах своих полномочий;<br>4) создавать отделения в составе филиала Компании;<br>5) назначать и освобождать от занимаемой должности руководителей, их заместителей, главных бухгалтеров филиалов и представительств, а также начальников отделений Компании;<br>6) утверждать штаты, издавать приказы и давать указания, обязательные для исполнения всеми работниками Компании;<br>7) утверждать положения о структурных подразделениях Компании и должностные инструкции работников Компании;<br>8) иные полномочия (права) определенные законодательством, настоящим уставом, трудовым договором и другими внутренними документами Компании. | 9.45. Компания Бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари):<br>1) Компания номидан ишончномасиз иш юритиш;<br>2) Компаниянинг манфаатларини ифодалаш,<br>3) Компания номидан ўз ваколатлари дорасида битимлар тузиш;<br>4) Компаниянинг филиали таркибида бўлинмасини ташкил этиш;<br>5) Компаниянинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари, шунингдек бўлинма бошлиқларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;<br>6) штатларни тасдиқлаш, Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;<br>7) Компаниянинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;<br>8) қонун хужжатлари, мазкур устав, мехнат шартномаси ва Компаниянинг бошқа ички хужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар). |
| 9.46. Обязанности Генерального директора Компании:<br>1) по требованию наблюдательного совета, ревизионной комиссии и аудитора Компании представлять документы Компании в установленном законодательством порядке;<br>2) хранить информацию, составляющую комерческую тайну Компании;<br>3) соблюдать права акционеров по начислению и выплате им дивидендов;<br>4) обеспечивать эффективную и стабильную деятельность Компании в рамках своих полномочий;<br>5) соблюдать требования законодательства Республики Узбекистан и внутренних документов Компании; | 9.46. Компания Бош директорнинг мажбуриятлари:<br>1) Компаниянинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда Компания хужжатларини тақдим этиш;<br>2) Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;<br>3) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;<br>4) ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;<br>5) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;<br>6) қонун хужжатлари, мазкур устав, мехнат |

| | |
|---|---|
| 6) иные обязанности определенные законодательством, настоящим уставом, трудовым договором и другими внутренними документами Компании. | шартномаси ва Компаниянинг бошқа ички хужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар. |
| 9.47. Права и обязанности Генерального директора Компании, определяются законодательством, настоящим уставом Компании, положением об исполнительном органе и договором, заключаемым с ним сроком на один год с ежегодным принятием решения о возможности его продления или прекращения. Договор от имени Компании подписывается председателем наблюдательного совета или лицом, уполномоченным наблюдательным советом Компании. В заключаемом договоре с Генеральным директором Компании должны быть предусмотрены его обязательства по повышению эффективности деятельности Компании и периодичность его отчетов перед общим собранием акционеров и наблюдательным советом о ходе выполнения годового бизнес-плана Компании. | 9.47. Компания Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, Компаниянинг мазкур уставида, ижро органи тўғрисидаги низомда ва у билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Компания номидан Компания кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Компания Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. |
| 9.48. Размеры вознаграждений Генерального директора находятся в прямой зависимости от эффективности деятельности Компании и должны быть определены договором. | 9.48. Компаниянинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. |
| 9.49. Совмещение функции генерального директора Компании с должностью в органах управления других организаций допускается только с согласия наблюдательного совета Компании. | 9.49. Компаниянинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Компания кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади. |
| 9.50. Наблюдательный совет вправе прекратить (расторгнуть) договор с Генеральным директором Компании при нарушении им условий договора. | 9.50. Кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли. |
| 9.51. Наблюдательный совет Компании имеет право досрочного прекращения (расторжения) договора с Генеральным директором Компании при совершении ими грубых нарушений устава Компании или причинении Компании убытков их действиями (бездействием). | 9.51. Компания кузатув кенгаши Компаниянинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга. |
| 9.52. В случае принятия наблюдательным советом Компании решения о прекращении полномочий Генерального директора Компании, вопрос о передаче полномочий Генерального директора Компании другому лицу может быть решен на том же заседании либо оставлен для рассмотрения на ближайшем заседании с назначением временно исполняющего обязанности Генерального директора Компании. | 9.52. Компания кузатув кенгаши томонидан Компания Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Компания Бош директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша мажлиснинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Компания Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда кузатув кенгашининг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин. |
| Статья 10. Контроль за деятельностью Компании | 10-модда. Компаниянинг фаолиятини назорат қилиш |
| 10.1. Для осуществления контроля за финансово-хозяйственной деятельностью Компании общим собранием акционеров избирается ревизионная комиссия в составе 3 человек сроком на один год. | 10.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади. |
| 10.2. Квалификационные требования к членам ревизионной комиссии Компании устанавливаются положением о ревизионной комиссии, утверждаемым общим собранием акционеров. Одно и то же лицо не может избираться в состав ревизионной комиссии | 10.2. Компания тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан белгиланади. Айни бир шахс Компаниянинг тафтиш комиссияси |

| | |
|---|---|
| Компании более трех раз подряд. | таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. |
| 10.3. Компетенция ревизионной комиссии Компании определяется законодательством, настоящим уставом и внутренними документами Компании. | 10.3. Компания тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун хужжатлари, Компаниянинг мазкур устави ва ички хужжатлари билан белгиланади. |
| 10.4. По письменному требованию ревизионной комиссии Компании лица, занимающие должности в исполнительном органе Компании, обязаны представить ей документы о финансово-хозяйственной деятельности Компании. | 10.4. Компания тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт. |
| 10.5. Члены ревизионной комиссии Компании не могут одновременно являться членами наблюдательного совета Компании, а также работать по трудовому договору (контракту) в Компании. | 10.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас. |
| 10.6. Проверка финансово-хозяйственной деятельности Компании осуществляется по итогам деятельности за год или иной период по инициативе ревизионной комиссии, общего собрания акционеров, наблюдательного совета или по требованию акционера (акционеров), являющегося владельцем не менее чем пятью процентами голосующих акций Компании, путем предварительного уведомления наблюдательного совета. | 10.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади. |
| 10.7. По итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности Компании ревизионная комиссия Компании составляет заключение, в котором должны содержаться:<br>- оценка достоверности данных, содержащихся в отчетах и иных финансовых документах Компании;<br>- информация о фактах нарушения порядка ведения бухгалтерского учета и представления финансовой отчетности, а также законодательства при осуществлении финансово-хозяйственной деятельности. | 10.7. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:<br>- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;<br>- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт. |
| 10.8. Ревизионная комиссия ежеквартально выносит на заседание наблюдательного совета Компании заключение о наличии сделок с аффилированными лицами или крупных сделок в Компании, а также соблюдении требований законодательства и внутренних документов Компании к совершению таких сделок. Заключение, содержащее информацию, указанную в п.10.7. настоящего устава, заслушивается на годовом общем собрании акционеров. | 10.8. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Компания кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 10.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади. |
| 10.9. В случае, если балансовая стоимость активов Компании составляет более ста тысяч минимальных размеров заработной платы в Компании создается служба внутреннего аудита. Служба внутреннего аудита подотчетна наблюдательному совету Компании. | 10.9. Компания активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. |
| 10.10. Служба внутреннего аудита Компании осуществляет контроль и оценку работы исполнительного органа, филиалов и представительств Компании путем проверок и мониторинга соблюдения ими законодательства, устава Компании и других документов, обеспечения полноты и достоверности отражения данных в бухгалтерском учете и финансовой отчетности, установленных правил и процедур осуществления хозяйственных операций, сохранности активов, а также соблюдения установленных | 10.10. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Компания уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, |

| | |
|---|---|
| законодательством требований по управлению Компанией. | шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. |
| 10.11. Компания обязана проходить ежегодную аудиторскую проверку со стороны внешнего аудита. Аудиторская организация осуществляет проверку финансово-хозяйственной деятельности Компании и предоставляет ему аудиторское заключение в установленном законодательством порядке в соответствии с заключенным с ней договором. | 10.11. Компания ҳар йили ташқи аудит томонидан аудит текширувдан ўтиши шарт. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади. |
| 10.12. Аудиторская организация несет ответственность перед Компанией за причинение ущерба вследствие составления аудиторского заключения, содержащего неправильный вывод о финансовой отчетности и иной финансовой информации Компании. | 10.12. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади. |
| 10.13. В Компании вводится должность корпоративного консультанта, подотчетного наблюдательному совету Компании и выполняющего функции контроля за соблюдением корпоративного законодательства. | 10.13. Компанияда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Компания корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. |
| 10.14. Деятельность корпоративного консультанта Компании осуществляется на основании положения, утвержденного наблюдательным советом Компании. | 10.14. Компания корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади. |
| Статья 11. Заключительные положения | 11-модда. Якуний қоидалар |
| 11.1. Все изменения и дополнения вносимые в настоящий устав по решению общего собрания акционеров и в рамках своих полномочий наблюдательным советом, регистрируются соответствующим государственным органом Республики Узбекистан. | 11.1. Компания акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади. |
| 11.2. Изменения и дополнения в устав Компании или устав Компании в новой редакции приобретают силу для третьих лиц с момента их государственной регистрации, а в случаях, установленных законодательством, с момента уведомления органа, осуществляющего государственную регистрацию. | 11.2. Компания уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради. |
| 11.3. В случае если одно из правил настоящего устава утратило силу, это правило не является причиной для приостановления других правил. | 11.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди. |
| 11.4. Если действующими законодательными актами Республики Узбекистан установлены иные положения, чем предусмотрено настоящим уставом Компании, то применяются правила действующих законодательных актов Республики Узбекистан. | 11.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади. |
| 11.5. Вопросы, не включенные в настоящий устав, регулируются законодательством Республики Узбекистан. | 11.5. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади. |